

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 3 (15)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduvoidova Ruxshonaxon Akramjon qizi SHAYBONIY HUKUMDORLARINING BIRINCHI VA OXIRGI BIRLASHTIRGAN JANG – JOM JANGI	5
2	Abdullayev Akmaljon Hasanboy o‘g‘li MANG‘ITLAR SULOLASI HUKMDORLARINING TASHQI QIYOFASINI TIKLASHDA SUN‘IY IDROKNING IMKONIYATLARI	10
3	Адилов Абдор Анварович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	16
4	Бабаджанов Хасан Бахтиёрлович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ	27
5	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА	36
6	Габриэльян Софья Ивановна ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ИРАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА	43
7	Дорошенко Татьяна Ивановна ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	53
8	Ishanxodjayeva Zamira Raimovna ИККИНЧИ ЈАҲОН УРУШИ YILLARIDA O‘ZBEKSTON XOTIN-QIZLARINING IQTISODIY HAYOTDAGI ISHTIROKI (TOSHKENT SHAHRI VA TOSHKENT VILOYATI MISOLIDA)	62
9	Jabbarova Iqbol Xo‘jamuratovna SUV XO‘JALIGINI BOSHQARISHDA INSTITUTIONAL ISLOHOTLAR: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI	71
10	Kimsanova Ruxshona Xayrulla qizi SEVINCHIXO‘JAXON VA KELDI MUHAMMADXON DAVRIDA TOSHKENT HUKUMRONLIGI	77
11	Mamataliyeva Arofatxon Yuldashali qizi O‘ZBEK MILLIY OSHXONASI VA PALOV AN‘ANASINING MILLIY BREND SIFATIDA SHAKLLANISHI	85
12	Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	91
13	Musayev Azizbek Baxridinovich MANBALARDA XVII ASR FARG‘ONA VODIYSINING IJTIMOY-SIYOSIY HAYOTI AKS ETISHI	103
14	Nazarov Xumoyun Alisherovich MARKAZIY OSIYO QADIMGI JAMIYATLARI TARAQQIYOTIDA IQLIMIY OMILLAR VA LANDSHAFT TRANSFORMATSIYASI	110
15	Нарбеков Абдикамил Вафаевич ВОПРОСЫ АВТОХТОННОСТИ УЗБЕКОВ В ТУРКЕСТАНЕ	120
16	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI “JIZMONSOY” MFY.DAN TOPGAN TANGALAR XUSUSIDA	126

17	Очилдиев Файзулла Бабакулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН	144
18	Palvanov Hikmatmatjon Axmatjonovich XORAZM VONASI ANTIK DAVRI METALL HUNARMANDCHILIGINING BA'ZI XUSUSIYATLARIGA DOIR MULOHAZALAR	152
19	Солиев Махмуджон Махамаджонович ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 йй.)	159
20	Tolibjonov Azizjon Tolibjonovich XORAZMSHOH-ANUSHTEGINIYLAR DAVLATI VA ABBOSIYLAR XALIFALIGI O'RTASIDAGI SIYOSIY ALOQALAR (OTSIZ MAKTUBLARI MISOLIDA)	167
21	Usarov Umid Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYA SENATINING A'ZOSI, GRAF K.K. PALEN BOSHCHILIGIDA TAFTISH KOMISSIYASI HISOBOTLARIDA TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING AKS ETTIRILISHI	174
22	Xakimov Adhambek Ahmadjon o'g'li XIV ASRNING 50-70 YILLARIDA MOVAROUNNAHRDAGI SIYOSIY VAZIYATNI O'RGANISHDA TEMURIYLAR DAVRI MANBALARINING O'RNI	184
23	Xolikulov Axmadjon Boymaxammadovich AMIR HAYDAR HUKMRONLIGI YILLARIDA BUHORO – XIVA MUNOSABATLARI	191
24	Холикулова Шахноза Боймухамматовна ЧИРЧИҚ КИМЁГАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ	200
25	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В 2017-2026 ГОДАХ	207
26	Yunusova Xurshida Erkinovna MAMLUKAT QISHLOQ XO'JALIGIDA ISLOHOTLARINING BOSHLANISHI VA UNING MUAMMOLARI	214

Холикулова Ш.Б.

«Тарих» кафедраси доценти, PhD

Навоий давлат университети

kholikulova_sh@mail.ru**ЧИРЧИҚ КИМЁҒАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ
ТАРИХИ****АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Чирчиқ шаҳрида кимё саноати негизида шаклланган “кимёгарлар шаҳарчаси”нинг қурилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий, демографик ва шаҳарсозлик хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, шаҳар бош режаларининг босқичма-босқич ишлаб чиқилиши, саноат ва тураржой ҳудудларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши ҳамда урбанизация жараёнлари таҳлил қилинган. Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган аҳоли ва корхоналар таъсирида шаҳар ривожланиш режаларида юзага келган ўзгаришлар ҳам кўрсатилган.

Калит сўзлар: Чирчиқ шаҳри, кимёгарлар шаҳарчаси, электрохимия комбинати, саноатлашув, урбанизация, ижтимоий инфратузилма, меҳнат ресурслари, Иккинчи жаҳон уруши, эвакуация, бош режа.

КИРИШ

Чирчиқ кимёгарлар шаҳарчасининг қурилиши ва ривожланиши мавзуси Ўзбекистонда саноатлашув, урбанизация ва шаҳарсозлик жараёнларини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга. Мазкур мавзу орқали саноат корхоналарининг барпо этилиши нафақат иқтисодий ўсишга, балки янги шаҳар муҳитини шакллантириш, аҳоли жойлашуви ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатганини таҳлил қилиш имкони туғилади. Айниқса, Чирчиқ шаҳри мисолида кимё саноати ва шаҳарсозлик ўртасидаги узвий боғлиқлик, режали иқтисодиёт шароитида шаҳарларни ташкил этиш тамойиллари ҳамда уларнинг амалда қандай натижа бергани яққол намоён бўлади.

Мазкур мақолани тайёрлашда тарихийлик, холислик ва тизимли таҳлил тамойилларига асосланган ҳолда илмий тадқиқот методларидан фойдаланилди. Аввало, тарихий-генетик усул орқали Чирчиқ шаҳрининг шаклланиши ва ривожланиши босқичма-босқич таҳлил қилинди. Бу усул шаҳар қурилиши жараёнининг сабаб ва оқибатларини аниқлаш имконини берди. Манба сифатида асосан Ўзбекистон миллий архиви материаллари, шаҳар қурилишига оид лойиҳа ҳужжатлари, совет давридаги расмий статистик маълумотлар, илмий-тадқиқот ишлари ва тарихий адабиётлардан фойдаланилди. Шунингдек, кимё саноати ва шаҳарсозликка оид илмий мақолалар, монографиялар ҳамда меъморий режалар тадқиқотнинг муҳим манба базасини ташкил этди. Ушбу методик ёндашувлар ва манбалар мажмуаси тадқиқотнинг илмий асосланганлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлашга хизмат қилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Кимё саноатининг ривожланиши аҳоли демографияси, ижтимоий-маданий ҳаёти ва урбанизациялашувида ўз тъсирини ўтказди. Албатта маълум корхонанинг барпо этилишида унда фаолият олиб борадиган асосий капитал ҳисобланган кадрларга яратилган қулайлик ва шароитлар шаҳарлар бош лойиҳасига киритилган[1].

Бунга мисол қилиб, республиканинг тўнғич кимё корхонаси ҳисобланган Чирчиқ электрохимия корхонасини айтишимиз мумкин. Ўзбекистон миллий архиви фондларида алоҳида бир рўйхат шаҳар қурилишига бағишланган экан.

Шаҳарни қуриш учун шароитларни қуйидаги уч омилга боғлайди: Энергетика манбалари ГЭС №2 ва ГЭС №1 (Ниёзбек ва Троицкая станция); Асосий саноат корхонаси Электрохимия комбинати; Транспорт воситалари темир йўл, автомобиль, сув транспорти ва ҳаво транспорти. Комбинат қурилиши биринчи навбатида ушбу корхоналарда ишлайдиган ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар сони 2500 киши деб белгиланган. Комбинатнинг кейинги босқичда ривожланиши натижасида ишчилар сони 5000 нафарга етиши кўзда тутилган. Ижтимоий-маиший муассасаларда хизмат кўрсатадиган ходимлар сони ва оилалар таркибини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарнинг умумий аҳолиси биринчи навбатда 9000 нафарни, иккинчи навбатда эса 25000 нафарни ташкил қилиши режалаштирилган[2.109].

Чирчиқ Ўзбекистондаги илк социалистик шаҳарлардан бири бўлиб, у Чирчиқ ГЭСлари каскади ва Электрохимия комбинати қурилиши билан бирга ривожланди. 1934 йилда ташкил этилган бу шаҳар Юқори Соцгород, Қуйи Соцгород, Бозсу, Қуйи Комсомол маҳалласи каби ишчи посёлкаларни бирлаштирган. Шаҳар Тошкентнинг шимолида жойлашган[3].

Шаҳар учун танланган жой ва умумий шароитлар: Шаҳарча Тошкентдан 25 километр узоқликда жойлашган. Шаҳар жойлашуви Ниёзбекдаги ГЭС №1 ва азот заводи ўртасида, йўлдан 2-3 километр ичкида жойлашган[1].

Чирчиқ ҳудудидаги саноат шаҳрининг жойлашуви ва режаси: Наркомтяжпром (Оғир саноат халқ комиссариати), Ўзбекистон ССР Паркомздрав (Соғлиқни сақлаш халқ комиссариати) ва «Чирчиқстрой» бошқармаси томонидан социалистик шаҳарнинг жойлашиши Чирчиқ дарёсининг поймасидан 70 метр баландликдаги тепалик қисмида белгилаб олинган. Бу ерда аҳоли уйлари, ижтимоий-маиший ва маданий иншоотлар жойлашади, пастлик (долина) қисмда эса ёрдамчи корхоналар бўлади. Қияликлар ва жарлар мавжудлиги туфайли бутун шаҳарни гўзал ландшафтли шаклда безатиш имконияти мавжуд[2]. Шаҳар жадал суръатларда ўсиб борди ҳар йили янги кварталлар, микроҳудудлар барпо этилди, аҳоли сони ортиб борди. Агар 1939 йилда Чирчиқда 14,9 минг киши яшаган бўлса, 1959 йилда бу кўрсаткич 66 мингга етган, 1970 йилга келиб эса шаҳарда 108 минг нафар аҳоли яшаган. Бу ерда 50 дан ортиқ миллат истиқомат қилди. Шаҳарнинг илк режалаштириш лойиҳаси 1933-1936 йилларда Москвадаги «Гидростройпроект» институти томонидан ишлаб чиқилган (меъморлар Г. Орлов, П. Тараканов, В. Лавров ва бошқалар, академик В. Веснин маслаҳати

билан). Бу лойиҳа 1947 йилгача шаҳарнинг қурилиш ва режалаштириш ишларига асос бўлиб хизмат қилган. 1947 йилда А. Лихолётов томонидан тузилган Чирчикнинг янги бош режаси схемасида Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейинги ўзгаришлар инобатга олинган. 1952 йилда «Ўзгоспроект» институти (меъморлар П. Дуда-Дудинский, Ф. Долгов, Ю. Булычева ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган янги бош режада режада шаҳарнинг ҳисобий аҳолиси 72 минг киши этиб белгиланган ҳамда асосан икки қаватли бинолар қурилиши (55%) кўзда тутилган эди. Кейинчалик Чирчик шаҳри «Ўзгоспроект» институти (меъморлар П. Дуда-Дудинский, Л. Золотухина, Н. Фокина иштирокида, бош муҳандис Т. Зияев) томонидан ишлаб чиқилган шаҳар режалаштириш лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу лойиҳа 1967 йилда тасдиқланган шаҳарни ривожлантиришнинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ амалга оширилди. Бу режага кўра, 1985 йилга келиб шаҳар аҳолиси сони 140 минг кишига етказилиши режалаштирилган. Ҳар бир шахс учун уй-жой майдони меъёри 15 м² этиб белгиланган[2.110-111]. Шамоллар асосан социалистик шаҳар томондан завод томонга қараб эсади. Завод билан шаҳар орасида шамолдан муҳофазалайдиган ҳимоя зоналари мўлжалланган. Бу ҳимоя йўлаклари ёки белгиланган йўналиш бўйлаб тўсиб қўйилади[3].

Ижтимоий-маиший иншоотлар: Ёлғизлар ва фарзандсиз оилалар учун; Ётоқхоналар; Спорт зали; Дам олиш ва маданий хурсандчилик учун хоналар; Бир нечта қаватли бинолар, 2–3 хонадан иборат хонадонлар, 4 қаватли биноларда жойлаштирилади. Ҳар бир хонадонда ошхона, ётоқхона, омборхона, меҳмонхона, терасса ва балконлар бўлади. Шунингдек, тўлиқ ва қулай ҳаёт учун барча зарурий шароитлар (ижтимоий-маиший инфратузилма) кўзда тутилган. Оилавий турар жойлар сони, умумий аҳолининг 10% гача бўлган миқдорда қурилди[4].

Шаҳар қурилиши қиймати – қуйидаги ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда: 1 кубометр қурилиш ҳажми учун нарх – 35 рубл. Бу суммага махсус ускуналар, сув таъминоти, канализация, ирригация, йўллар, ёритиш тизими ва бошқа инфратузилмалар ҳам киради. Жами қиймат: Биринчи навбат қурилиши учун – 60 миллион рубл. Умумий (тўлиқ) қиймат: 130 миллион рубл[5].

Уруш йилларида комбинат жамоаси асосан ёшлардан иборат бўлиб, жамоанинг ўртача ёши тахминан 23 ёшни ташкил этган. Уруш тугагач ва комбинатда иш фаолияти нормаллашиши билан, ёшлар спорт ва маданий ҳордиқ чиқаришга қизиқиш билдира бошладилар. Урушнинг оғир йилларида материаллар, ускуналар, инвентарь, мураббийлар ва спорт базаси етишмас эди, шунингдек, бўш вақт ҳам бўлмасди ишчилар икки сменада ва ундан ҳам кўпроқ ишлашга мажбур эдилар. Спорт базасини ривожлантириш учун тегишли ер участкалар ажратилди. Бир вақтнинг ўзида, 1964 йили, комбинатнинг биринчи футбол жамоаси ташкил этилди. 1946 йил 9 май Ғалаба кунида спорт комплексининг шартли очилиши бўлиб ўтди[7.90].

Ишчи ходимларини жойлаштириш учун уй-жойлар саноат иншоотларига яқинроқ қурилди. Шундай қилиб бош сув узатиш қурилмалари яқинида,

ҳозирги Бўстонлик тумани маркази саналувчи Ғазалкент қишлоғи пайдо бўлди. Чорвоқ сув омбори ва унинг гидростанцияси яқинида эса – эски Хумсан қишлоғи ўрнида янги замонавий Хумсан шаҳарчаси, шунингдек, Товоқсой ва Комсомолск шаҳарчалари барпо этилди. Химия комбинати ишчи ходимлари учун уй-жойлар, санитария ҳимоя масофалари ҳисобга олинган ҳолда, шаҳарнинг бош режасига мувофиқ, Зах (ёки НДК) канали юқори қисмидаги “Юқори Соцгород” деб аталадиган ҳудудда жойлаштирилди. Биринчи бўлиб 300 ўринли меҳмонхона биноси қурилди. У дастлаб “Чирчикстрой” бошқармаси учун маъмурий бинодан ҳам фойдаланилди. Кейинчалик бу бинода индустриал техникум жойлашган. Ушбу ҳудудда 1938 йилда тўрт қаватли 512-сонли уй (ҳозирги 20-уй) қурилди ва у химия комбинати қурувчилари ва ишчиларини қабул қилди. 1939 йилда 511-сонли уй (ҳозирги 22-уй) битказилди, 1940 йилда эса 462-сонли уй барпо этилди. Бу уйнинг биринчи қаватида Юқори Соцгород аҳолиси учун махсус тикиш устахонаси ташкил этилган. Кейинчалик, 1949 йилда, айнан шу устахона асосида “Ғунча” болалар кийимига ихтисослашган тикув фабрикаси ташкил этилди[2.92]. 50-йиллардаёқ шаҳар ҳудудини тартибли зоналаштириш ва унинг меъморий ансамблини яхлит ҳолда шакллантириш бўйича ҳаракатлар қилинган эди. Меъморий жиҳатдан энг мукаммал кўча – Ленин кўчаси эди. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, республикада янги турдаги серияли тураржой бинолар биринчи марта айнан шу кўчада қурила бошланган. Террасалар, лоджиялар ва қуёшдан ҳимоя қилувчи қурилмалар 210-серияли икки қаватли уйларнинг архитектуравий қиёфасини белгилаб берган (меъмор И. Рачинская, муҳандис В. Озеров)[2.112]. Уй-жойлар билан бирга, шаҳар касалхонаси, 3-сонли мактаб ва бошқа ижтимоий иншоотларнинг қурилиши ҳам бошланган эди. 70 минг киши учун мўлжалланган шаҳар айнан шу юқори терассада барпо этилиши режалаштирилган эди. Химия комбинатидаги раҳбарлар ва Ишчи чи ходимлар учун, кимё саноати қурилиш меъёрларига асосан, комбинатга яқинроқ жойда фавқулодда маъмурий шаҳарча қурилди. Бу шаҳарча 6 та уч қаватли уйдан ва №8 болалар боғчасидан иборат эди. Илк лойиҳаларга кўра, Чирчиқ шаҳрида асосий саноат объектлари сифатида иккита ГЭС станцияси ва электрохимия комбинати режалаштирилган эди. Шаҳар айнан шу комбинат ва станцияларда ишловчи мутахассислар ҳамда уларнинг оилалари учун қурилатган эди. Шунинг учун шаҳарнинг асосий қурувчиси электрохимия комбинати ҳисобланган[7.94].

Бироқ, уруш бошланиши вазиятни кескин ўзгартирди. Шаҳарга эвакуация қилинган заводлар ва уларнинг ишчилари оилалари билан кела бошлади. Улар учун тезда жой тайёрлаш ва заводларни ишга тушириш зарурати туғилди. Бу эса, шаҳар ривожланишининг илк режасини бажариш имконини чеклади. Юқори терассадаги қурилишлар яримтугал қолди, у ер битказилмади. Эътибор қуйи терассага яъни, саноат ва хўжалик объектлари учун мўлжалланган ҳудудга қаратилди. Аммо уруш давомида бу ҳудудда тураржой ва маъмурий бинолар қурилиб кетди. Комбинат қурилиши билан шаҳар Троицк қишлоғидан то Аранчигача бўлган бир чизик бўйлаб чўзилди

[6.6]. Индивидуал лойиҳалар асосида қурилган бинолардан меъмор А. Файнлейб томонидан лойиҳалаштирилган уйлар эътиборга лойиқ[2.112]. 1956 йилда 915 оила комбинат ишчилари квартира олди, шундан 360 таси янги уйларда ва шу йилда 20 гектар майдонда олма боғи барпо этилди[8.7].

1960 йилда комбинат ривожланиши ва 25-сонли ишлаб чиқариш қурилиши муносабати билан Бозсув станцияси яқинидаги ҳудуд ҳамда Вокзал кўчасининг чап томонини бўшатишга тўғри келди. Бу ердаги эски уйлар, бараклар ва савдо шохобчалари бузиб ташланди. Бу ҳудуд аҳолисини жойлаштириш учун 3, 4 ва 8-микроҳудудлар қурилди. Шунингдек, Чирчиқнинг ипподром ҳудудида, сув тақсимловчи пастки нуқтада ходимлар учун иш жойи ва турар жойлар қурилди. Троицкда, канал соҳилида “Роҳат” ресторани барпо этилди. 1972 йилда “Октябрь” кинотеатри қурилди. 1983 йилга келиб, комбинатдаги барча бараклар тўлиқ йўқ қилинди ва капролакташ ишлаб чиқариш майдончаси яқинида санитария ва химоя зонаси ташкил этилди. Шу тариқа, аввалги режа бўйича 70 минг аҳолига мўлжалланган Чирчиқ шаҳрида 1959 йилда 14730 киши истиқомат қилар эди[7.94]. Чирчиқ марказининг архитектурасида ансамбль тартибидаги қурилиш устувор аҳамият касб этди. Бу ерда Навоий номидаги кинотеатр (меъмор А. Бабаханов) муҳим ўрин тутди. Кинотеатрнинг асосий фасади Юқори терраса томон йўналтирилган бўлиб, шаҳар марказининг бош композицион ўқида Пионерлар саройи (меъмор С. Розенблум) ва Кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчилар маданият саройи (меъмор А. Петросов) жойлашган. Юқори терраса Қуйи кўприк билан боғланган[2.113].

Комбинат ишчилари дам олишини ташкил этиш масаласига завод кўмитаси ҳали комбинат ишга тушмаган пайтдаёқ эътибор қарата бошлаган эди. “Оқтош” санаториясига ишчилар сменалар бўйича икки кунлик гуруҳли саёҳатларга юборилар эди. 1960-йилларда сув таъминоти цехига тегишли сув қабул қилиш иншооти (Зах канали соҳилида) яқинида, 150 ўринли профилакторий биноси қурилди. 1958 йилда, геологик қидирув ишлари ниҳоясига етиб, Акташ ҳудудидаги геологлар билан уй-жой ва қўшимча иншоотлар сотиб олинди. Болалар дам олишини ташкил этиш учун бу ҳудудда доимий фаолият қиладиган 500 ўринли Болалар лагери ташкил этилган, кейинчалик унинг имкониятлари кенгайтирилиб, 600 ўрингача етказилган[2.98].

1960 йилда Пионерлар саройи, 1970-йилларда эса ҳокимият бинолари қурилди. Ушбу иншоотлар шаҳар марказининг каскад ансамблини яратди. Эски 1939 йилда қурилган ҳаво қабул станцияси аниқ яшаш ҳудудида қолиб кетгани боис фойдаланишдан олиб ташланди. Бу иншоот ўрнига 500 ўринли поликлиника қурилди. Кейинчалик у шаҳар бош соғлиқни сақлаш бошқармасига топширилди ва 1970-йилларда шаҳар саноат корхоналари учун поликлиника сифатида ташкил этилди. 1960-йиллар охирида Троицк касалхонаси таркибида онкология бўлими қурилди, 1970-йилларда эса янги, 9-микрорайонда 250 ўринли касалхона ва 500 ўринли поликлиника қурилиши бошланди. Бу касалхона 380 ўринли хонагача кенгайтирилиб, 1985 йилда тугалланди[2.95].

1961 йилдан бошлаб Чирчиқдаги барча саноат корхоналари, маъмурий бинолар, хизмат кўрсатиш муассасалари, ўқув юртлари ва минглаб ишчи хонадонлар газ билан таъминланган[2.115].

ХУЛОСА

Мақолада Чирчиқ шаҳри мисолида кимё саноати ва шаҳарсозлик жараёнларининг ўзаро узвий боғлиқлиги илмий асосда ёритиб берилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноат корхоналари, айниқса электрохимия комбинати қурилиши нафақат иқтисодий ривожланишга, балки янги шаҳар муҳитини шакллантириш, аҳоли жойлашуви ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга ҳам кучли туртки берган.

Шу билан бирга, шаҳар қурилиши режали тарзда амалга оширилган бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши ва эвакуация жараёнлари унинг дастлабки режаларига жиддий ўзгаришлар киритгани, айрим ҳолларда санитария ва шаҳарсозлик талабларининг бузилишига олиб келгани кузатилади.

Холис баҳолаш нуқтаи назаридан, Чирчиқ шаҳри ривож саноатлашувнинг ижобий натижалари иш ўринлари яратилиши, илмий-техник тараққиёт, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг шаклланиши билан бир қаторда, тартибсиз қурилиш, экологик ва ҳудудий мувозанат муаммоларини ҳам келтириб чиқарган.

Умуман олганда, Чирчиқ кимёгарлар шаҳарчаси тажрибаси Ўзбекистонда саноат ва шаҳар ривож интеграциясининг муҳим тарихи намунаси бўлиб, у келгусидаги шаҳарсозлик ва саноат сиёсати учун ҳам илмий-амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА, 837-фонд, 1036-рўйхат, 32-иш, 1-варақ
2. Кадырова Т. Бабиевский К. Турсунов Ф. Архитектура советского Узбекистана. –Москва. издательство литературы по строительству. –С. 109. (133бет)
3. ЎзМА, 837-фонд, 1036-рўйхат, 32-иш, 2-варақ
4. ЎзМА, 837-фонд, 1036-рўйхат, 32-иш, 3-варақ
5. ЎзМА, 837-фонд, 1036-рўйхат, 32-иш, 5-варақ
6. Левик О. Это останется навсегда. –Ташкент. «Узбекистан». 1991.
7. Кадыров В. Становление химии в Республике Узбекистон. – Ташкент.1995. – С. 90.
8. Шистер Г. Повышение культурно-технического уровня рабочих Чирчицкого электрохимического комбината. – Ташкент: 1957 г. – Ст 7.

Холикулова Ш.Б.

PhD., доцент кафедры «Истории»
Навоийский государственный университет
kholikulova_sh@mail.ru

СТРОИТЕЛЬСТВО ХИМИЧЕСКОГО ГОРОДКА ЧИРЧИКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье всесторонне проанализировано формирование и развитие «городка химиков» в городе Чирчик, возникшего на базе химической промышленности. Особое внимание уделено социально-экономическим, демографическим и градостроительным особенностям данного процесса. Также подробно рассмотрены этапы разработки генеральных планов города, взаимосвязанное развитие промышленных и жилых зон, а также особенности урбанизационных процессов. В статье освещается влияние эвакуации населения и промышленных предприятий в годы Второй мировой войны на изменение первоначальных планов развития города, а также анализируются трансформации, произошедшие в структуре городской среды под воздействием данных факторов.

Ключевые слова: город Чирчик, городок химиков, электрохимический комбинат, индустриализация, урбанизация, социальная инфраструктура, трудовые ресурсы, Вторая мировая война, эвакуация, генеральный план.

Kholikulova Sh.B.

PhD., associate professor at the department of «History»
Navoi State University
kholikulova_sh@mail.ru

CONSTRUCTION OF THE CHEMICAL WORKERS' TOWN OF CHIRCHIK

ABSTRACT

This article provides a comprehensive analysis of the formation and development of the “chemical workers’ town” in the city of Chirchik, which emerged on the basis of the chemical industry. Particular attention is paid to the socio-economic, demographic, and urban planning characteristics of this process. The study also examines in detail the step-by-step development of the city’s master plans, the interrelated growth of industrial and residential areas, and the features of urbanization processes. The article further highlights the impact of the evacuation of population and industrial enterprises during World War II on the transformation of the city’s development plans. It analyzes the changes that occurred in the urban structure under the influence of these historical factors.

Key words: Chirchik city, chemical workers’ town, electrochemical plant, industrialization, urbanization, social infrastructure, labor resources, World War II, evacuation, master plan.